

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
“ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” КАФЕДРАСИ

**“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ
ЭТИЛАДИ”**

“ИЧБХ” кафедраси мудири

_____ доц.Г.Жумаева

“ _____ ” _____ 2018 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Иқтисодиёт” факультети декани

_____ и.ф.д., проф.А.Ф.Хуррамов

“ _____ ” _____ 2018 йил

Шоймардонов ОРЗИҚУЛ ЖЎРА ЎҒЛИНИНГ

**“УЗОҚ МУДДАТЛИ БАНК КРЕДИТЛАРИНИНГ ФОЙДАЛИЛИК
ДАРАЖАСИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР
(АТ “Агробанк” Батош филиали мисолида)” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Молия” таълим йўналиши
IV-курс М-466 гуруҳ талабаси
_____ **О.Ж.Шаймардонов**

ИЛМИЙ РАҲБАР:
“ИЧБХ” кафедраси катта ўқитувчиси
_____ **М.Х.Дустова**

Битирув малакавий иши дастлабки ҳимоядан ўтди
_____ **сонли баённома** _____ **2018 йил**

ҚАРШИ – 2018

**Узоқ муддатли банк кредитларининг фойдалилик даражаси ва унга
таъсир этувчи омиллар**

Режа

Кириш.

I-боб. Банк-молия ва кредит тизимининг барқарорлиги – иқтисодиётни модернизация қилишнинг асоси.

1.1. Ўзбекистон Республикасининг кредит тизимининг таркибий қисмлари ва уларни молиявий муносабатларни ривожлантиришдаги аҳамияти.

1.2. Кредит тизими ривожланишининг асосий босқичлари.

1.3. Кредитнинг иқтисодий моҳияти ва асосий шакллари.

II-боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан олиб борилаётган кредитлаш сиёсатининг амалий жихатлари.

2.1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлаш жараёни.

2.2. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитларнинг ролини ошириш механизми.

2.3. Узоқ муддатли банк кредитларининг фойдалилик даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

III-боб. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида тижорат банкларидаги узоқ муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш йўллари.

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, банк-кредит соҳасининг бир шакли бўлган узоқ муддатли кредитлашга катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли кредитларнинг мамлакатда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга жалб этиш инновацион технологияларни ривожлантиришга ва замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга имкон яратади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев эътироф этганидек: биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалада етти ўлчаб, бир марта кесадиغان, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиган давр келди. Шу нуқтаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта уҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”¹.

Битирув малакавий ишининг асосий мақсади, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизация қилишда банк кредит тизимини ривожланиши ва самарадорлигини таъминлаш масалаларини яхлит тарзда ўрганиш асосида республикада бозор ислохотларининг ҳозирги босқичида кредитлаш тизими ва уни тартибга солиш механизминини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги **вазифалар** белгиланган;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 22.12.2017 йил. Манба: ЎЗА.

- иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар амалиётида муваффақиятли қўлланилиб келинаётган пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш;

- турли иқтисодий усуллар воситасида тижорат банклари ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалаларини ечимини топиш ва банк тизими фаолиятининг ушбу йўналишида амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

- Республика Марказий банки томонидан ўрганилган иқтисодий меъёрларнинг моҳияти ва амалий аҳамиятини тадбиқ қилиш;

- узоқ муддатли банк кредитларини корхоналар фаолияти ва иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрнини аниқлаш;

- узоқ муддатли банк кредитлари ҳисобини такомиллаштириш юзасидан тавсияларни илмий асослаш.

Битирув малакавий ишининг предмети бўлиб эса, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини таркибий ўзгартириш жараёнларида узоқ муддатли кредитларнинг самарадорлигини ошириш борасидаги муаммоларни аниқлаш ва илмий жиҳатдан асослаб бериш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган алоҳида амалий таклифлар мамлакатнинг тижорат банклари томонидан етакчи тармоқ ва соҳаларига берилаётган узоқ муддатли кредитлаш жараёнида ва барча манбалар ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг объекти. АТ “Агробанк” Ботош филиалида узоқ муддатли банк кредитларининг фойдалилик даражаси ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш жараёни ҳисобланади

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. Кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишида аналитик жадваллар ва чизмалар ўрин олган.

I-боб. Банк-молия ва кредит тизимининг барқарорлиги – иқтисодиётни модернизация қилишнинг асоси

1.1. Ўзбекистон Республикасининг кредит тизимининг таркибий қисмлари ва уларни молиявий муносабатларини ривожлантиришдаги аҳамияти

Корхоналар ўз маблағлари етарли бўлмаганида банкдан кредит маблағлари ёки бошқа юридик ва жисмоний шахслардан қарз маблағлари олишлари мумкин.

Кредитлаш орқали аҳолининг, корхонанинг ва давлатнинг бўш турган пул маблағлари банкларда тўпланади ҳамда муаян ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун хўжалик юритувчи субъектларга берилади. Маълумки ишлаб чиқариш воситалари кўринишидаги капиталнинг тармоқдан тармоқга ўтиш имкониятлари жуда чекланган, лекин иқтисодиётда ҳар доим иқтисодий ресурсларни, энг аввало капитални, тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш зарурияти мавжуд бўлади. Бу вазифани энг оқилона тарзда кредит механизми ва унинг таркабий қисми бўлиб банк кредити адо этади. Банк кредити ва молиявий ресурслар пул капитали сифатида жамланади ҳамда тармоқлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида бозор талаблари асосида тақсимланади, кредитни белгиланган муддат давомида қайтариш ва кредит фойдаланганлик учун муайян ҳақ тўлаш зарурлиги кредитга олинган маблағлардан юқори самара бера оладиган фаолият соҳаларида фойдалинишга мажбур этади. Шундай қилиб, кредит иқтисодий самарадорлик даражасини оширишга хизмат қилади. Банк кредитининг муҳим вазафаларидан бири бу ишлаб турган корхоналар маблағларини доиравий алмаштиришнинг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бу асосан қисқа муддатли кредитлаш воситасида амалга оширилади.

Банк кредити корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишига хизмат қилиши туфайли иқтисодиётда фойданинг капиталлашуви жараёнларини тезлаштиради. Банк кредити мамлакатда пул массасининг

ҳажми ва таркибига, тўлов оборотига, пул муомаласи тезлигига жуда кучли таъсир кўрсатади.

Кредит тизими деб кредит муносабатлар мажмуаси ва кредит муносабатларни ташкил қилувчи ва амалга оширувчи кредит институтлари йиғиндисига айтилади.

Кредит тизими орқали ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш маблағлари йиғилади ва корхона ташкилотларга, давлатга вақтинча фойдаланишга берилади. Кредит тизими бир неча бўғинлардан иборат бўлиши мумкин. Маблағларни жалб қилиши ва тақсимланишига қараб кредит тизими ўзининг ташкил қилиниш турига қараб қўйидаги гуруҳларга бўлинади.

- Маказий банк кредитлари;
- Тижорат банклар кредитлари;
- Махсус-кредит институтлари кредитлари.

Марказий банк кредит тизимининг бош банки бўлиб, мамлакатда пул кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради.

Кредитнинг моҳияти унинг ички белгиларини очиб беришга қаратилган. Кредитнинг моҳиятини очиш-бу унинг сифатларини, кредитнинг муҳим томонларини, уни иқтисодий муносабатлар тизимининг бир элементи сифатида кўрсатувчи асосларини билиш демакдир.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда кредитнинг баъзи муҳим томонлари аниқланади;


биринчидан, унинг ижтимоий мақсулот яратиш, миллий даромад ва пул ресурсларини қайта тақсимлашга боғлиқлиги;

иккинчидан, кредитнинг ҳаракат шаклига (товар ёки пул) эга эканлиги;

учинчидан, такрор ишлаб чиқаришдаги ҳаракатнинг асосий ҳал этувчи белгиси (қарз) эканлиги ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётида шароитида кредитнинг қайд этилган тамойилларидан ташқари, кредит оқилона фойдаланишни ифодаловчи тамойил кредитнинг самарадорлиги тамойилини киритишимиз

зарур. Бу тамойил нафақат кредит ва фоиз суммасини банкка қайтариб тўлашни, ундан ташқари шу кредит ёрдамида кредитланадиган ёки молиялаштириладиган соҳа, тармоқ корхона қанча самарадорликка эришишни ифодалаши зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида бериладиган кредитлар маълум бир лойиҳаларнинг бажарилишига йўналтирилган бўлади.



1-расм. Тижорат банкларининг кредитлаш тамойиллари²

Кредитнинг аҳамияти унинг моҳияти ва функциялари орқали белгиланади. Кредитнинг аҳамиятини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бажарадиган функцияларнинг натижасига кўра тавсиялаш мумкин.

Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Бошқа иқтисодий категориялар сингари кредит маҳсулот ишлаб чиқаришни ва муомала соҳасини рағбатлантиради. Шунингдек, кредит ижтимоий-иқтисодий мақсадларни амалга оширишга, иқтисодий вазафаларни бажаришга муҳим таъсир кўрсатади.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муомалалари ечилаётган бир даврда кредитнинг илмий-техникавий ютуқларни ишлаб чиқишга жалб этишдаги аҳамияти ортиб бормоқда.

² Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007 йил, 348 бет

1.2. Кредит тизими ривожланишининг асосий босқичлари

Кейинги икки йилда республика Марказий банки томонидан амалга оширилган катъий пул кредит сиёсати макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилади. Айни пайтда иқтисодиётда инфляцион кутилмаларнинг олдини олиш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси йиллик ҳисобда 14% даражасида белгиланди³. Ушбу чора-тадбирлар истеъмол маҳсулотлари нархларига монетар омилларнинг таъсирини бартараф этди ва шу йўл билан инфляциянинг белгиланган кўрсаткичлар доирасида эришилди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай. Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартларидан қарийб уч баробар кўп эканини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги вақтда республикаимиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг кредит линияларини жалб қилиш орқали банкларнинг инвестицияон жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш мақсадида республика тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг компанияларининг кредитга лаёқатлилиқ рейтингларини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

³ www.cbu.uz

Кейинги икки йилда республикамызда фаолият юритаётган тижорат банкларининг 12 таси халқаро “Мудис”, “Фитч Рейтингс”, “Стандарт энд Пурс” рейтинг компанияларининг “Барқарор” рейтинг баҳосини олишга эришдилар.

Барчамизга маълумки мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан 2016-2017 йилларда ҳам банк тизимида амалга оширилган ислохотлар Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларда белгиланган қуйидаги устувор вазифаларнинг бажарилишига қаратилди:

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторларнинг маблағларини банк акциялари ва депозитларга жалб қилиш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда ресурс базасини кенгайтириш;

- банкларнинг инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва қайта жиҳозлашдаги иштирокини янада кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш;

- банklarда самарали назоратни амалга ошириш, банк инфратузилмаларини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва мијозларга янги қулайликлар яратиш ва б.;

Давлат миқёсида кредит муносабатларининг марказлашуви ҳар бир давлатнинг Марказий банки ёрдамида амалга оширилади. Дастлабки миллий давлат кредит институтларининг пайдо бўлиши нақд пулсиз ҳисоб китобларни олиб бориш учун қўл келди, ҳамда тижорат банкларининг операциялари ва хизмат кўрсатиш қўламининг кенгайишига олиб келди, масалан, фонд бозорига хизмат кўрсатиш бўйича. Кейинчалик Марказий банklar фаолияти бозор иқтисодиётини барқарорлаштиришнинг самарали омили бўлган кредит воситаларини ишлатиш бўйича йўналтирилди. Бу эса давлатники бўлмаган кредит ташкилотларини назорат қилишни кучайтиришни талаб қилди. Шунингдек, иқтисодиётда инфор­мацион технологиянинг ривожланиши глобал банк тармоқларининг компьютер

коммуникациялари ва маълумотлар базаларининг шаклланиши кредит муносабатларини янги сифатли даражага, яъни миқдорга хизмат кўрсатиш билан бирга уларнинг молиявий фаолиятининг ҳамма жабҳаларига, шунингдек халқаро бозорга ҳам тарқалишига олиб келди.

1.3. Кредитнинг иқтисодий моҳияти ва асосий шакллари

Бизга маълумки, пул маблағларига кўп ҳолларда кредитларга олинган маблағлар, корхоналарнинг ҳисоб варақасидаги маблағлар, нақд пуллар, айланма маблағлар ва молиявий ресурслар киради.

Бу иқтисодий категориялар ташқи томондан ухшагани билан, уларни ички хусусиятлари жуда хилма-хил ва бир бирига ухшайди.

Кредит-бу вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Кредит хужалик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш ва сотув, тулов жараёнидаги маблағлар етишмовчилигини қоплаш учун олинади. Агар корхона ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш учун кредит маблағларидан фойдаланадиган бўлса, шу кредит фондлар айланишининг барча босқичларини босиб ўтади ва миқдорий жиҳатда ўсган ҳолда айланишан чиқарилади ва қарз берувчига қайтарилади.

Кредит ресурсларидан корхона қўйидаги ҳолларда фойдаланиши мумкин:

1. Корхона кредитнинг харажатларининг бирон турини амалга ошириш учун, масалан, хом ашё материаллар сотиб олиш тугалланмаган ишлаб чиқариш учун ёки жўнатилган товарлар учун олиши мумкин.

2. Корхона айланма фондларининг доиравий айланишининг барча босқичларига кредитни жалб қилиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш захиралари сотиб олишга, тугалланмаган ишлаб чиқаришга, тайёр маҳсулотга, жўнатилган товарларга ва бошқа харажатлар учун.

3. Корхонани комплекс кредитлаштириш зарур бўлганда амалга оширилади.

Кредитга бўлган талаб қайси усулда ва муддатда, ким томонидан кондирилишига ва қарз олувчиларга қарз таклиф қилинишига қараб, кредит бир неча тур ва шаклларга бўлинади.

Узоқ даврлардан буён кредитнинг берилиши муддатига қараб қуйидаги турлари қўлланилиб келинмоқда.

1. Қисқа муддатли кредит бериш;
2. Узоқ муддатли кредит бериш.

Қисқа муддатли кредит беришда кредитлар бир неча ойдан бир йилгача бўлган муддатга кредит берилади. Бу турдаги кредитлар ишлаб чиқариш айланма фондлари ва муомала фондларининг доиравий айланишининг узлуксизлигини таъминлайди.

Узоқ муддатли кредитлашда кредитлар 3-5 йил муддатга берилади. Узоқ муддатли кредитлар асосан асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ва улар билан боғлиқ соҳаларни таъминлашга ишлатилади. Ҳозирги даврда узоқ муддатли кредитлар банклар томонидан жуда кам миқдорда берилсада, улар капитал қўйилмаларини лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи сифатида давлатимиз иқтисодини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Қисқа муддатда банк кредитлари қарз олувчи корхонанинг хўжалик фаолиятида айланма маблағлар етишмоқчилигини тўлдириш учун қўлланилади.

Иқтисодиётнинг бир текисда ривожланишини ижтимоий ишлаб чиқариш таъминлайди. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини эса кредит воситасида узлуксиз давом эттириб, моддий неъматлар яратиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган, бир зум бўлсада, тўхтаб қолишга йўл қўйилмайди. Демак, кредит иқтисодиётнинг бир текисда ривожланишини таъминловчи омиллардан бири деган хулосага келишимиз мумкин.

**II-Боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан
олиб борилаётган кредитлаш сиёсатининг амалий жихатлари**

**2.1. Иқтисодийни модернизация қилишда тижорат банклари
томонидан берилган узоқ муддатли кредитларнинг тутган ўрни ва
кредитлаш жараёни**

Кредитнинг аҳамияти унинг моҳияти ва функциялари орқали белгиланади. Кредитнинг аҳамиятини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бажариладиган функцияларининг натижасига кўра тавсифлаш мумкин. Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди. Корхоналарга бериладиган кредит уларни вақтинчалик молиявий ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондиради ва такрор ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз давом этишини таъминлайди. Пул маблағларига эҳтиёж ишлаб чиқаришнинг нафақат мавсумий, шунингдек бошқа сабабларига ҳам боғлиқ. Барча ҳолларда кредитдан фойдаланиш асосий ва айланма фондларнинг узлуксиз доиравий айланишини ишлаб чиқариш жараёни ва товарлар муомаласини тезлаштиришни таъминлайди. Бошқа иқтисодий категориялар сингари кредит маҳсулот ишлаб чиқаришни ва муомала соҳасини рағбатлантиради. Шунингдек, кредит ижтимоий-иқтисодий мақсадларни амалга оширишга иқтисодий вазифаларни бажаришга муҳим таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда кўпгина корхоналарда чуқур таркибий ўзгаришлар туфайли ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни янги техник асосдаги асосий фондлар билан таъминлаш эҳтиёжини қондира олмайди. Бундай шароитда корхоналар техник қайта қуруланиш учун кредитга эҳтиёж сезади. Бундан кўриниб турибдики, бўш пул аблағларини мавжудлиги уларни вақтинчалик фойдаланишга бериш имкониятига боғлиқ. Кредит технологик жараёнларни такомиллаштириш, асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш фондлар паркини янги машиналар билан таъминлаш асосида, минимал капитал харажатлар ҳисобига халқ

хўжалигига керак маҳсулот ҳажмини оширишда корхоналар самарали йўлларни танлашда уларга иқтисодий туртки берувчи воситадир.

Кредит шундай ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ва уларни жорий этишга ишлатилиши керакки, бунда бу воситалар асосида меҳнат унудорлигини ва меҳнатни фонд билан куролланишдаражалари ошсин.

Соф даромадни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатиш учун аввал уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш талаб қиладиган даражада пул кўринишида жамғариш керак.

Кредитни аҳамиятини тўғри ёритиш учун уни ишлатиш мақсадларини, шу жумладан умумий ва хусусий мақсадларини ёритиш керак.

Кредитнинг умумий мақсади бу ижтимоий ишлаб чиқаришни динамик ва пропорционал ривожланиш асосида аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасининг ошишини таъминлашдан иборатдир.

Кредитнинг асосий мақсади ишлаб чиқаришни ривожланитиришнинг интенсив омилларини қўллаш асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдир. Кредит давлатнинг иқтисодий воситаларидан бири сифатида бутун иқтисодиётнинг ривожланишига ва алоҳида корхона фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Кредит ишлаб чиқаришга ижтимоий харажатларни иқтисод қилиш йўли билан таъсир этади. Аммо, кредит товар-моддий бойликларига сарфланган меҳнатни бевосита иқтисод қила олмайди, чунки унинг ўзи ишлаб чиқариш жарёнида бевосита иштирок этмайди.

Кредитнинг роли уни халқ хўжалигига таъсир этиш механизми ва йўналишида ифодаланган назарий тушунчадир. Кредитнинг иқтисодиётини ривожланишига таъсири корхоналарнинг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ролини оширади.

Хўжалик ҳисобида қарз олувчи юридик мустақил шахс сифатида кредитор билан кредит шартномаси туза олади. Кредитнинг хўжалик субъектларининг мустақиллигига таъсирида қуйидагича амалга оширилади.

- қарз мақсадли йўналишига эга бўлади;

- қарзни қайтариб беришлилик ва муайян тўлов мажбурияти қарз олувчини олинган қарзни самарали ишлатишга ундайди.

Кредитнинг ҳозирги шароитда ролини ошириш учун банклар кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашлари, ликвидликка эга бўлмаган захиралар ва харажатларга кредитлар бермасликлари, кредитни муомала харажатларини иқтисод қилишда кенг қўлланишини ҳисобга олишлари зарур. Халқаро иқтисодий алоқалар доирасида ҳам кредитнинг аҳамиятини ортиб бормоқда.

Республикамизнинг ички кредит тизимида кредитнинг ўрни янада муҳимроқ бўлиб кўринади. Буни Республикамизнинг кредит тизимида тааллуқли қонунлар қарорлар, меъёрий ҳужжатлар орқали кўриш мумкин.

Республикамизнинг “Қорхоналар тўғрисида” ги қонунида “Фермер хўжаликларида кредит бериш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш қоидалари”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида” ги қонуни юридик ва жисмоний шахсларга микрокредитлар бериш ва бошқа шунга оид қонунлар давлатимиз олиб бораётган пул-кредит сиёсатини ривожлантириш истиқболларини белгилашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси АТБ “Агробанки” да ҳам ўзига хос кредитлаш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, бу тизим банкнинг 124-сонли Низоми билан тасдиқланган. Мазкур Низомда кредитлаш жараёнинг барча жабхалари инобатга олинган.

Мазкур Низомни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, 1998 йил 2 ноябрда 425-сонли “Тижорат банклари фоизларини ўстирмаслиги сиёсати тўғрисидаги низом” ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонуний-мейёрий ҳужжатларидан фойдаланилган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, улар фаолиятига аралашувларни кескин чеклаш, ҳисобот

топширишни қисқартириш ва соддалаштириш, солиқ солиш тартибига бир катор ўзгартиришлар киритиш, тижорат банкларига эса узоқ муддатли кредитлаш тизимини енгиллаштириш, хорижий кредитларга имкониятлар яратиб бериш ва кредит уюшмалари каби молиялаш ташкилотларини қўллаб – қувватлаш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари ва аҳолиси узоқ муддатли кредит олишга қуйдаги муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлганлиги сабабли мурожаат қилмаяптилар:

- Корхоналарни капиталлаштириш даражасининг пастлиги;
- Менежмент ва маркетингни мукамал ташкил этишнинг чекланганлиги;
- Йирик бизнес субъектларига юқори даражада қарамлик;
- Маъмурий текшириш ва назоратнинг сақланиб қолинаётганлиги;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятларининг чекланганлиги;
- Корхона раҳбарларининг малакаси етарли даражада эмаслиги;
- Товар ва хизматлар рақобатбардошлигининг паст даражадалиги;
- Хўжалик юритувчи субъектлар орасида ўзаро ишончсизликнинг юқори даражада бўлганлиги;
- Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти етарли эмаслиги.

Тижорат банклари учун мавжуд муаммолардан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитларни қайтариб бермаслик ҳоллари ҳам кўплаб учрамоқда.

Буларга асоий сабаб қилиб қуйдагиларни кўрсатишимиз мумкин:

1. Кичик корхоналар томонидан кредит ресурсларини олиш учун тайёрланган бизнес – режалар сифатининг пастлиги;

2. Маълум бир молиявий қийинчиликларни ўтказаетган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитини ўзлаштиришда муаммоларга дуч келиши.;

3.Ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилган хизматларга реал талабни аниқ билмаслик;

4.Қийин сотиладиган ёки қиймати тез тушиб кетадиган товар моддий бойликларни гаров сифатида қабул қилиш;

5.Кўпгина тадбиркорликнинг молиявий ва юридик тайёргарлоигини суствлиги.

6.Мамлакатда тўла ривожланган инвестицион-молиявий инфратузилманинг мавжуд эмаслиги;

7.Кредитлар бериш бўйича банклар сиёсатига тез-тез ёки муҳим ўзгартиришларнинг киритилиши.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни тижорат банклари томонидан кредитлашга ҳалақит бераётган ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга, халқаро молия муассаларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаш учун хорижий кредит йўналишларининг талаблари бир мунча мураккаблигидир. Мисол учун Хитой Эксимбанкнинг кредит йўналишларини олиб қарайдиган бўлсак, бу молия муассасаси бераётган кредитларни фақат Хитой Халқ Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган техника ва технологиялари сотиб олиш, Ислон Тараққиёт банки томонидан ажратилган кредит пул маблағларига Исроил давлатидан ҳеч нарса сотиб олмаслик ва шу давлатга ҳеч нарса сотмаслик, шунингдек Германия Федератив Республикасининг бир қатор молия муассасалари томонидан таклиф қилинаётган кредит йўналишлари ҳам фақат Германия Федератив Республикасидан ёки Европанинг бошқа давлатларидан ресурсларни ёки техника-технологияларни харид қилиш тўғрисида ўз талабларини қўйиш, бу ҳам кредитлаш жараёни ривожланишига тўсиқ деб ўйлайман. Бир ўйлаб қарайлик янги ташкил этилган ёки хали тўлиқ оёққа турмаган корхоналар учун бу катта муаммодир албатта. Чунки Германия Федератив Республикаси ёки Европа иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқарилган замонавий технологиялар ўзининг сифатлилигига ва ишончлилигига яраша нархи ҳам баланддир, ёки бўлмаса Исроил давлатига

сота олмаслик. Бу ерда бозор муносабатлари унинг қонунлари бузилмайдими?

Шунингдек узок муддатли кредит хизматларини кўрсатувчи бошқа нобанк кредит ташкилотлари олдида ҳам бир қанча муаммолар мавжуддир. Жумладан: мамалакатда пул муомиласини барқарорлиги ва кредит ресурслари самарадорлигини таъминлаш учун аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш мақсадида аҳолининг тижорат банкларидаги омонатларидан олинадиган даромадалар, солиқ кодексининг 179-моддасига асосан жисмоний шахсларнинг слиқ солинмайдиган даромадлари қаторига киритилган. Лекин кредит уюшмалари аҳоли жамғармаларидан олинган даромадларга эса солиқ муносабатларининг тижорат банкларига қўлланилаётган имтиёзли тизими жорий қилинмаган. Бу ўз навбатида кредит уюшмаларининг ресурс баъзасининг камайишига ва улар томонидан бериладиган кредитларнинг қимматалашувига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги бобларад бугунги кундаги тижорат банклар ва бошқа нобанк молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг ойлик ва йиллик фоиз ставкалари, ажратиладиган кредитларга қўйилаётган фоиз таваккаллари тўғрисида маълумот берилган. Унга кўра тижорат банклари томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш мақсадида турли хил омонат турлари ташкил қилинган бўлиб, улар бўйича фоиз ставкалари йиллик 18-25 фоизни ташкил этади. Кредит уюшмалари томонидан ҳам турли туман омонат турлари ташкил қилинган бўлиб, улар томонидан белгиланган фоиз ставкалари йиллик 60 фоизгача ўрнатилади. Юқоридаги рақамларадан кўриниб турибдики кредит уюшмаларининг депозит қўйилмаларига ўрнатиладиган фоиз ставкалари тижорат банкларининг депозит қўйилмаларига ўрнатиладиган фоиз ставкаларига қараганда 2 баробар кўпдир, бу эса ўз навбатида кредит уюшмалари томонидан кредит учун белгиланадиган фоиз ставкаларида ўз аксини кўрсатади.

Қишлоқ жойларда банк – молия хизматлари кўламини кегайтиришга тўсқинлик қилаётган факторларнинг асосий сабаби, бугунги кунда вилоятларнинг барча туманлари ва қишлоқларида электр ҳамда алоқа хизматлари тўғри йўлга қўйилмагалигидир. Масалан, айрим ҳудудларда электр тармоғи бир кунда 8-10 соатлаб ишламаслиги, кўп ҳудудларда телефон-телеграф алоқаси ўтказилмагалигидир.

Вилоятларнинг барча туман марказларида ҳамда энг чекка қишлоқларида маҳаллий аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиш, айнан шу жойларда банк-молия муассасаларини ташкил этиш лозим. Маълумотларга кўра молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг асосий қисми республика пойтахти Тошкент шаҳрида жойлашган, жумладан 27 та кредит уюшмалари, 28 та ломбардлар, 6 та микрокредит ташкилотлари. Бу рақамларни республика миқёсида фаолият юритаётган молиявий ташкилотларнинг нисбатига олиб қарайдиган бўлсак, Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган кредит уюшмаларининг 40 фоизи, ломбардларнинг 83 фоизи, микрокредит ташкилотларининг 25 фоизини ташкил этади.

Маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилаётган кредитлар миқдори 2010 – 2018 йиллар мобайнида 11 баробар ўсган.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезаларли таъсир кўрсатмоқда (1 – жадвал).

Жадвалдан кўринадики, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда – модернизация қилишда корхона ва ташкилотларга 10 дан ортиқ турдаги 7 минга яқин инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб. Фаолият учун зарур шарт – шароитларни яратиб бermoқда.

Республика Президенти ва ҳукумат томонидан молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларни кўпайтириш учун барча шарт – шароитлар

яратилиб берилаётган бўлсада, ушбу ташкилотлар Республиканинг барча ҳудудларида бир текис ташкил қилинмаяпти.

1 – жадвал

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи мавжуд инфратузилма объектлари (2018 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)

Инфратузилма объекти номи	Сони
Тижорат банклари филиаллари	1042
Минибанклар	2318
Ахборот – маслаҳат марказлари	262
Консалтинг марказлари	327
Аудитор фирмалари	113
Ўқув марказлари	917
Баҳолаш компаниялари	138
Товар хом ашё биржаларининг савдо майдончалари	204
Микрокредит ташкилотлари	32
Кредит уюшмалари	103
Бизнес – икубаторлар	34
Суғурта ташкилотлари	32
Брокерлик идоралари	1424
ЖАМИ	6946

Мисол учун Қорақолпоғистон Республикасида бирорта ҳам кредит уюшмаси ташкил этилмаган. Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида эса “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганига етти йил бўлган бўлсада, ушбу ҳудудларда атига биттадан кредит ушмалари ташкил этилган. Шунингдек Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Хоразм вилоятларида ҳам кредит уюшмаларини ташкил этиш суи даражада олиб борилмоқда. Ломбардларни ташкил этиш бўйича қилинаётган барча сай – ҳаракатларга қарамасдан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхандарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида бирорта ҳам ломбард ташкил

этилмаган. “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиганига уч йил бўлган бўлсада, микрокредит ташкилотлари Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида ташкил этилмаган.(2-жадвал)

2 – жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар тўғрисида маълумот (01.01.2018 йил)⁴

Т/Р	Вилоятлар	Кредит уюшмалари	Ломбардлар	Микрокредит ташкilotла ри
1	Қорақолпоғистон Республикаси		1	3
2	Андижон	11	1	1
3	Бухоро	5		2
4	Жиззах	2		
5	Қашқадарё	2		2
6	Навоий	3		1
7	Наманган	3		2
8	Самарқанд	4	2	2
9	Сурхондарё	1		2
10	Сирдарё	1		
11	Тошкент вил.	4	1	2
12	Фарғона	13	1	3
13	Хоразм	2		
14	Тошкент шаҳри	27	28	6
	ЖАМИ	78	34	26

Узоқ муддатли кредитлар берадиган ташкилотлар яъни молиявий институтларни қўллаб – қувватлаш, уларни сонини кўпайтиришдан асосий


⁴ www.cbu.uz

мақсад, тадбиркорлик субъектларининг ва фуқароларни тадбиркорлик фаолиятларини амалга ошириш учун уларнинг молиявиймаблағлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашдан иборатдир. Албатта юқорида санаб ўтилган вилоятларда тадбиркорлик субъектлари ва янгитдан тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилаётган фуқаролар мавжуд, лекин улар фақат тижорат банкларига мурожат қилиш билан чекланиб қолмоқдалар.

Молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг республика ҳудудларида ташкил этишнинг энг асосий сабаби, аҳолининг баъзи қатламларида тадбиркорлик фаолиятни ривожлантириш учун молиявий аҳволи етарли эмас, бироқ асосийси уларда хунармандчилик санъатининг энг ноёб азалий усуллари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нес-нобуд қилмасдан жойида қайта ишлаш имкониятлари мавжуддир. (2-чизма)

2-чизма

Ўзбекистон Республикасида 2011-2017 йилларда инвестициялар суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)⁵



⁵ www.mineconomy.uz

Мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар ҳажмининг ўзгариши (2- чизма) билан бир қаторда, инвестициялар таркибида узоқ муддатли кредитлар ҳажмининг кўпайиши (3-жадвал) кузатилмоқда.

3-жадвал

2011-2017 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши⁶

Молиялаштириш манбалари	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Давлат бюджети	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар (банк кредитлари)	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1442 – сонли қарорига асосан “Ўзбекистон Республикаси саноатини ва инфратузилмасини ривожлантириш дастури” тасдиқланган. Дастурга 519 та, 47,5 млрд.доллга тенг инвестицион лойиҳалар киритилган бўлиб, дастурда кўзда тутилган барча тармоқдаги инвестицион лойиҳаларнинг молиявий манбалари бўйича тақсимланишида банк кредитлари (3,45%) ва Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари (6,44%) муҳим аҳамият касб этади. Дастурга киритилган инвестицион лойиҳаларнинг молиялаштириш

⁶ www.mineconomy.uz

манбалари ҳақида батафсил маълумотни 4-жадвалда кўриш мумкин. (4-жадвал)

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 декабрдаги
ПҚ-1442-сонли қароридаги инвестицион лойиҳаларнинг молиявий
манбалар бўйича тақсимланиши⁷**

№	Молиялаштириш манбалари	Қиймати (млн.долл)	Фоизда
1.	Лойиҳалар сони	519	100
2.	Умумий қиймати	47 499,70	100
	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:		
2.1	Корхоналарнинг ўз маблағлари	8 132,90	17,12
2.2	Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	3 060,90	6,44
2.3	Тижорат банклари кредитлари	1 640,70	3,45
2.4	Хорижий инвестициялар ва кредитлар	23 685,60	49,87
2.5	Молиялаштириш манбалари аниқланмаган	10 979,60	23,11

Хулоса қилиб айтганда, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини хорижий узоқ муддатли кредит линиялари орқали ва Республика тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари орқали кредитлаштиришнинг мавжуд муаммоларини ҳал этиш бевосита икки томонлама манфаатларни ҳисобга олиб самарали иш олиб бориш орқалигина ўз ечимини топиши мумкин.

⁷ www.mineconomy.uz

2.2. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитларнинг ролини ошириш механизми

Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди.

Марказий банк ва Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг жами капиталини 2017 йилда камида 20 фоизга ошириши, яқин икки йилда эса унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажмини 10 фоизга етказиши лозим.

Мамлакатимизда кейинги йилларда банклар, хусусан кредит портфелининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг улуши юқори бўлган банкларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб ҳуқуқий асослар яратилмоқда ва улар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 288-сонли “Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаоллигини кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори банкларнинг капиталлашувини ошириш учун бюджет маблағларидан Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан ва бошқа акциядорларнинг маблағларидан ажратилган мақсадли маблағлар ҳисобига иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масаласига қаратилган бўлиб, бу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштириш кўзда тутилган. Бундан ташқари мақсадли маблағлардан берилган кредитлар ҳисобига корхоналар томонидан янги қурилиш, ишла чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳаддан қайта жиҳозлаш, товарларни реализация қилишнинг прогноз параметрларига эришилишига кўмаклашишга эътибор қаратилган.

Ушбу қарорга мувофиқ “Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” ги вақтинчалик низом тасдиқланган. Низомга асосан мақсдли маблағлар ҳисобига кредитлар банклар томонидан корхоналарга қуйидаги мақсадларда берилади:

Экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат тузилмасида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга ва салмоқли ўринга эга бўлган корхоналар учун айланма маблағларни тўлдириш, шунингдек, аҳоли бандлигини тўлдириш, аҳоли бандлигин таъминлаш.

Биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги рақобатбардошли ташқи ва ички бозордаги талаб қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва кенгайтириш корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилган товарлар билан барқарор тўлдириш.

Ишлаб чиқариш, ижтимоий транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ижтимоий аҳамиятли давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан замонавий асбоб-ускуналар ва мини-технологиялар сотиб олиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, шунинг ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида мамлакатимизда банкларимиз капиталнинг етарлилик даражасини 23 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўплиги экспорт қилувчи корхоналарни банк кредитлари бериш

йўли билан қўллаб-қувватлаш имконини беради. Бу борада ҳам ҳукуматимиз томонидан ҳуқуқий асослаш яратилган.

Мамлакатимизда тижорат банкларининг узок муддатли кредитларнинг кредитларни ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банklar кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баравар кўпайди. Банklar кредит портфелининг умумий ҳажмида узок муддатли кредитларнинг улушига қараб давлат томонидан турли имтиёзлар берилмоқда.

2.3. Узок муддатли банк кредитларининг фойдалилик даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Тижорат банклари мижозларга (корхона, ташкилот, фирма, АЖ-ларга) кредит беришга қарор қилишдан олдин, мижозларнинг молиявий ҳолатини ўрганиб чиқади. Бунинг учун мижоз банкнинг кредит бўлимига охириги «Бухгалтерия баланси» (шакл № 1); «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (шакл № 2) ва бошқа керакли бухгалтерия ҳисоботларини ва маълумотларини олиб келиб беради. Тижорат банк кредит бўлим ходимлари ушбу маълумотлар асосида мижознинг молиявий ҳолатини ва кредитни қайтариш имкониятини ўрганиб, кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида ҳулоса чиқаради.

Корхона, ташкилот, фирмаларнинг молиявий ҳолати (аҳволи) мураккаб кўрсаткич бўлиб, у корхонанинг (ҳаммасини тушуниш лозим) ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш фаолияти кўрсаткичлари, бошқа фаолият (мисол, қимматли қоғозлар операциялари) натижалари, ҳамда барча фаолият молиявий натижаларига боғлиқ.

Хўжалик юритувчи субъектнинг банк кредитини тўлов қобилиятини бир неча иқтисодий кўрсаткичлар белгилайди. Бу кўрсаткичларнинг асосийларига қуйидагилар киради:

Корхона балансининг қопланиш ва ликвидлик коэффициентлари, ҳамда ўз маблағи билан таъминланганлиги (автоном) коэффициентлари).

Балансининг қопланиш коэффициенти - субъектнинг тез сотувчи маблағларини қисқа муддатли мажбуриятларини қоплашидир ва у тез ликвидли маблағларнинг (ЛМ) қисқа муддатли мажбуриятларига (ККМ) нисбати билан аниқланади.

Тез ликвидли маблағларга пул маблағлари (5000-5200, 5500-5710 счётлар, балансининг – 330,340,350,360 қаторлари), Таъминотчиларга бунак (аванс) тўловлари (№ 4300-счёт, балансининг - 260 қатори), 3 ой муддат ичида қайтариладиган қисқа муддатли қўйилмалар № 5810-счёт, балансининг - 3700 қатори); Товарлар, ишлар хизматлар бўйича дебитор қарзлар (№ 4000,4100, 76 счётлар, балансининг - 220 қатори); Шуъба корхоналари билан ҳисоблашишдаги 3-ой муддатдаги тўловлар (№ 4120-счёт, балансининг - 240 қатори); Бюджет билан ҳисоб-китоблар (№ 68-счёт, балансининг 270-қатори); Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоблашишлар. Демак, умуман олганда актив қисмининг II бўлим “Жорий активлар” умумий суммасини, бировз коррективка билан қабул қилинса бўлади.

Қисқа муддатли мажбуриятларга баланс пассивининг II “Мажбуриятлар” бўлими суммаси, ўзоқ муддатли кредитлар ва қарзларнинг фақат 3-ой муддат ичида тўланадиган қисмини олиб ҳисобланиш билан топилади.

Бунда балансининг қопланиш коэффициентининг минимуми 1 га тенг бўлиши, корхонанинг молиявий аҳволи яхши бўлса, 1 дан юқори бўлиши керак. Лекин бу кўрсаткичга ишлаб чиқариш технологияси (хом-ашё захиралари, тайёр маҳсулот), активларнинг таркиби катта таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам ликвидлик коэффициенти топилади.

Ликвидлик коэффициенти (ЛК) пул маблағлари товар-моддий бойликлар ҳисоб-китоблари бўйича дебиторларда бўлган қарз маблағларининг (3-ой муддатда ундириладиган қисми қушилади) йиғиндиси қисқа муддатли мажбуриятларга бўлиб топилади.

Бунда ликвидлик коэффициенти 1 дан юқори бўлса, корхонанинг тўлов қобилияти юқори ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи, ўз маблағлари манбаи суммаларини баланснинг умумий суммасига бўлиб топилади. Ўз маблағлар манбаига ўстав капитали, резерв ва махсус фондлар, мақсадли тушумлар ва фойда киради ва баланс пасивининг I - бўлими “Ўз маблағлари манбалари»да кўрсатилади. Ўз маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи коэффициентида > 1 ёки 1 га тенг, фоизларда эса 100 гача боради. Кредит беришда ўз маблағлари билан таъминланганлик 30 % кам бўлмаслиги зарур. Бу кўрсаткичлардан ташқари ўз айланма маблағларининг мавжудлиги ва оборот маблағлари айланиши каби кўрсаткичлар ҳам аниқланади. Бу кўрсаткичлар асосида банк кредит бўлими ходими субъектга кредит бериш ёки кредит бериш мумкин эмаслиги тўғрисида таклифлар киради. Таклифлар асосида банк ҳулосаси ёзилиб, уни банк бошқарувчиси (шундай ҳуқуқ берилган шахс) ва кредит қумита раиси тасдиқлайди.

Банк асосий эътиборини бошқа омилларга ҳам, жумладан, фирмаларнинг акциядор капиталига, унинг тузилишига, актив ва пасивларнинг бошқа моддаларига бўлган нисбатига ҳамда қарзнинг таъминланишига, унинг етарлик даражасига, сифатига ва қарзни тўламаслик ҳолида, гаровни сотиш даражасига қаратади.

Хорижий давлатлар амалиётида мижознинг пул оқими чуқур таҳлил қилинади.

Пул оқими мижознинг ўз харажатларини қоплаш ва қарзларни ўз ресурслари ҳисобидан тўлаш қобилиятининг ўлчамидир.

Бундай таҳлил турлича олиб борилади, жумладан, бу мақсадда қарз олувчининг пул маблағларининг ҳаракат ҳисоботидан фойдаланиши мумкин.

Тижорат банклари кредит операцияларини таҳлил қилганда кредит ресурсларининг манбалари, кредитларнинг (умумий кредит портфелининг)

тармоқлар, ҳудудлар бўйича йўналтирилганини, ҳамда миқдорларнинг мулк шакллари бўйича таҳлил қилиш мумкин.

Тижорат банк кредитларини қарздорлар (миқдорлар) бўйича ҳам гуруҳлаш мумкин. Бунда давлат корхоналари, қўшма корхоналар, хусусий корхоналар ва жисмоний шахслар (фуқаролар)га берилган кредит маблағлари бўйича таҳлил қилиш мумкин. Тадқиқотчилар маълумотларига қараганда тижорат банклари умумий кредит портфелининг катта қисми -27,3 % давлат корхоналарига (2017 йил бошига) тўғри келади. Лекин хусусийлаштириш ва корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш сиёсатининг амалга оширилаётганлиги туфайли бу корхоналарга берилган кредитлар миқдори йилдан-йилга камайиб бормоқда. Натижада давлат корхоналарига берилган кредитлар умумий кредитлар ҳиссасига 2015 йил 31 декабрдаги 60,7 % дан 27,3 % гача (2016 йил 31 декабр ҳолатига) тушиб қолган. Қўшма корхоналарга берилган кредитлар 15,2 фоизни ташкил этади ва ушбу йилларда сезиларли ўзгариш бўлмаган. Тижорат банклари кредит портфелида хусусий корхоналар ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳиссаси ортиб бормоқда. 2015 йил 31 декабр ҳолати хусусий корхоналарга берилган кредитлар банклар кредитлар портфелининг 14,2 % ини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йил 31 декабр ҳолатига (2017 йил бошига) 37,6 фоизгача яъни 2,6 баравар ошган. Бу Ҳукуматнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб бораётган иқтисодий тадбирлари натижасида бу соҳанинг тез сураатлар билан ривожланиб бораётганлигининг натижасидир. Жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳам 2015 йил 31 декабр ҳолатидаги 2,4 фоиздан 2016 йил 31 декабрга 10,6 % гача ошган. (5-жадвал)

5-жадвал

**АТБ “Агробанк” Ботош филиалининг умумий кредит портфели
таҳлили**

№		Кредит миқдори, фоизларда		
		31.02.15.	31.12.16.	31.12.17

1	Тижорат банклари	0,48	0,27	1,30
2	Жисмоний шахслар	2,37	3,00	10,60
3	Давлат корхоналари	60,73	53,60	27,30
4	Қўшма корхоналар	22,24	23,57	23,15
5	Хусусий корхоналар	14,18	19,56	37,65
	Жами	100,0	100,0	100,0

Тижорат банклари миждозларга кредит таъминланган бўлса, кредит беради. Банк кредитининг таъминланганлиги кредит бериш тамойилларидан биридир. Миждозлар кредитларнинг таъминланганлигини мол-мулкини гаровга қўйиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг кафолати ҳамда суғурта компанияларининг кредитни суғурталаш йўли билан амалга оширадидлар. Кредитни таъминланганликда миждозларнинг мол-мулкини гаровга қўйиш жуда кўп ишлатилади. Миждознинг бинолари, иншоотлари, асбоб-ускуналари (турли хил кўчмас мулклар), транспорт воситалари, товар-моддий бойликлари гаров бўлиши мумкин. Мулкни гаровга қўйишда, ўзгариб турувчи бозор нархи шароитида, мулкни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

III-боб. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида тижорат банкларидаги узоқ муддатли кредитлаш механизмини такомиллаштириш йўллари

Хозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари нафақат мамлакат иқтисодиётни ўсиш суръатларини тезлаштиришда, балки давлат учун ниҳоятда муҳим бўлган аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳоли даромадларини оширишда ҳам асосий ўрин эгаллайди. Бунда иқтисодиётнинг мазкур соҳаси учун купгина қулайликлар, имтиёзлар ва молиявий маблағ билан таъминлаш, хусусан кредитлар тизимини шакиллантириш масалаларига катъий эътибор берилмоқда. Фикримизнинг яққол тасдиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан кейинги йиллар давомида қабул қилинган қатор фармон ва қарорлари натижасида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини раҳбатлантириш, қўмаклашиш ва янги бизнес мухитини барпо – этиш устивор йўналишларининг асосий мазмунига айланди. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Молия ва Адлия вазирликлари, Савдо – саноат палатаси ва бошқа манфаатдор тузилмаларни жалб қилган ҳолда, кичик бизнес учун қўшимча кафолат, имтиёз ва преференциялар бериш бўйича ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бунда,

1. Солиққа солиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигини барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора – соддалаштирилган усулларини ишлаб чиқиш.

2. Фаолиятни айрим турлари билан шуғилланиш учун рухсат бериш тартибини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма – босқич жорий этиш.

3. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш ва бу цехлар учун узоқ муддатли кредитларни ажратиш.

4. Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса қишлоқ жойларда касаначилик билан шуғилланадиган фуқаролар учун моддий техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш бўйича асосий масалалар белгилаб олинди.

Юқорида биз АТБ “Агробанк” Ботош филиали мисолида Ўзбекистон Республикасини модернизациялаш жараёнида узоқ муддатли кредитлаш жараёнинг бир турини кўриб чиқдик, лекин бу олиб борилаётган ишлар камлик қилади. Шунга кўра Республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар сифатида қуйидига муаммоларни кўрсатиш мумкин:

1. Республикамиз тижорат банкларининг қатор филиалларида кредитларни расмийлаштириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида камчиликлар мавжуд. Жумладан, муддати ўтган кредитларни ўз вақтида “Муддати ўтган кредитлар” ҳисобрақамларида акс эттирмаслик таснифланган кредитлар бўйича захираларни тўлиқ шакллантирмаслик ҳоллари мавжуд.

2. Кредитлаш шакллари ва усулларида тўлақонли фойдаланиш муаммоси.

Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, республикамиз банк амалиётида кредитлашнинг овердрафт, фарфейтинг, контофрент шакллари ва очиқ ҳисоб рақамлари асосида кредитлаш каби усуллари жуда кам ёки мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида, кредитлаш самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда. Чунки ҳар бир кредитлаш шакли ўзига хос афзалликларга эга бўлиб, бир кредитлаш шаклининг ўрнини иккинчи кредитлаш шакли боса олмайди.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун хорижий давлатлар тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасидаги тажрибаларидан республикамиз банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари яратилиши керак:

-кредитлашнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланиладиган овердрафт ва контокфрент шаклларида республикамиз банклари кредитлаш амалиётида фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

-Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредитларни расмийлаштириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тижорат банклари ички аудит хизмати ходимларининг маъсулиятини ошириш зарур;

-мамлакатимиз тижорат банкларининг мижозларни кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарур.

Кўпчилик ривожланаётган давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг банк амалиётида овердрафт усулида кредитлаш ривож топмаган. Бу эса, табиийки, кредитлашнинг ушбу шакли бўйича амалий тажрибани етарли эмаслиги ҳамда уларни қўллашда маълум тўсиқларни мавжудлигидан далолат беради.

1.Республикамиз банк амалиётида ҳам кредитлашнинг ушбу усуллари Марказий банкнинг “Хўжалик субъектларига қисқа муддатли кредитлар бериш қоидалари” 1996 йил 20 апрелда ишлаб чиқилган 33-сонли йўриқномасида ўз ифодасини топгандир. Бироқ тўлов тизимидаги бир қатор ушбу кредит шаклларида тўлақонли фойдаланишга йўл қўймайди.

2. Республикамиз тижорат банкларида кредитларни расмийлаштириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда йўл қўйиладиган камчиликларни бартараф этиш ва уларни йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида тижорат банклари ички аудит хизматининг кредитларни назорат қилиш бўлимининг жавобгарлиги ва маъсулиятини ошириш лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банклари фаолиятини инспекцион текшириш” департаменти ходимлари томонидан

текшириш ўтказилганда кредитларни расмийлаштириш ва уларининг бухгалтерия ҳисобини юритишда камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланса, у ҳолда, ички аудит хизматининг ушбу масалалар аудитига маъсул ходимларига нисбатан жаримага тортиш чоралари қўлланилиши лозим.

3. Тижорат банклари миждозларининг асосий қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслигини ҳисобга олиб, банкларда миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий кўрсаткичлар тизимидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Республикамизнинг тижорат банкларида бешта молиявий кўрсаткичлар миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда фаол тарзда фойдаланилмоқда. Бизнинг фикримизча, бу етарли эмас, яъни бу коэффициентлар миждозни кредитга лаёқатлилигига тўлиқ баҳо бермайди. Республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида, миждозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда, биз таклиф этган 16 та молиявий кўрсаткичдан тўлиқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида қўлланилаётган кредитга лаёқатлилиқни баҳолаш кўрсаткичлари миждознинг пул оқимини реал даражасини аниқлаш имконини бермайди. Бизнинг фикримизча, баҳолаш тизмига хос бўлган икки асосий камчилик мавжуддир:

- биринчидан, етарли даражада баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланилмаётганлиги;

- иккинчидан, ўртача тармоқ кўрсаткичларини доимий равишда ва ҳаққоний тарзда эълон қилинмаётганлиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни такидлаш жоизки, Республикамиз тижорат банклари томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитлар мамлакатни модернизация қилишда катта аҳамият касб этади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тижорат банкларининг узок муддатли кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли банкларнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узок муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2008 йилнинг охиридаги 52 фоиздан 2017 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Тижорат банклари зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлайди. Ҳали ҳам эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, ҳеч қандай иқтисодий истиқболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва уларнинг негизида янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш керак.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.

“Узок муддатли банк кредитларининг фойдалилик даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили” мавзуси бўйича олиб борилган битирув малакавий иши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Банклар ва уларнинг хизмат турларининг рақобатбардошлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, банк рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб кўрсатилаётган хизмат миқдори билан бирга унинг хилма-хиллиги, сифати, нархи ва унинг яшаганлиги юқори бўлиши лозим.

2. Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, узок муддатли кредитларни кам таъминланган аҳолининг турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлиги ва аёллар иқтисодий фаоллигини ошириш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш каби аниқ ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим. Дунё амалиётида синалган узок муддатли кредитлашнинг тажрибасидан Ўзбекистон Республикасида

ушбу йўналишдаги бозорнинг шаклланаётганлиги шароитда унинг ижобий томонларидан фойдаланиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

3. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини хорижий узоқ муддатли кредит линиялари орқали ва Республика тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари орқали кредитлаштиришнинг мавжуд муаммоларини ҳал этиш бевосита икки томонлама манфаатларни ҳисобга олиб самарали иш олиб бориш орқалигина ўз ечимини топиши мумкин. Шундан сўнггина Ўзбекитон Республикасида модернизация этиш жараёни тезлашади, миллий ишлаб чиқариш ривожланади, мамлакат экспорт салоҳияти кўтарилади, ишсизлик муаммолари ҳал этилиади ва натижада мамлакатда иқтисодиётнинг барқарорлашувига эришилади.

4. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни такидлаш жоизки, Республикамиз тижорат банклари томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитлар мамлакатни модернизация қилишда катта аҳамият касб этади.

7. Банк фаолиятини таҳлили маълумотлари молиявий аҳволи анча яхшиланганлигини тасдиқлайди. Умуман олганда АТБ “Агробанк” Батош филиалининг молиявий аҳволи ёмон эмас. Аммо банк молиявий аҳволини янада яхшилаш имкониятлари мавжудки, бу ҳолат банк бошқаруви ходимлари зиммасига яширин резервлардан янада унумлироқ фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш маъсулиятини юклайди.

Юқоридаги хулосалар асосида қуйидагиларни таклиф этамиз. Тараққиёт илгарилаб бораётган ҳозирги шароитда банклар фаолиятини, хизматлар турини кўпайтириш, реклама ва бошқа замонавий усуллар ёрдамида mijozларни кенгроқ жалб этиш замон талабига айланиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда иқтисодиётни ривожлантиришда банкларнинг ролини янада оширишга хизмат турларини кўпайтиришга, қолаверса, жаҳон банк амалиётини чуқур таҳлил қилган ҳолда республикада универсал банк тизими фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришни тақазо этади. Бугунги кунда банк бошқарувчилари ва ходимларига бўлган талаб бундан 10

йил олдингига нисбатан жуда юқори. Шундан келиб чиқиб, универсал банк фаолиятини кенгайтиришда қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб этилади:

- банкларимизнинг кучли ва кучсиз томонларини ўрганиш;
- банкларнинг нима ҳисобига ва қандай қилиб харажатларни камайтириш ва даромадни ошириш мумкинлиги режалаштириш;
- универсал банк фаолиятини яратишда рақобатга бардош бериш учун нималарни олмоқ ва нималардан воз кечмоқ зарурлиги белгилаб олиш;
- банкларда инновацион бошқарувни актив усуллари қўллаш.

Бу муаммолар ўз ечимидан келиб чиқиб ҳозирги кунда универсал банк фаолиятидаги бошқа муаммоларни очиб беришга хизмат қилади. Бизга маълумки, кейинги йилларда банк хизмат турлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Молия соҳасидаги хизмат турларининг ҳам ортиб бориши банк соҳасининг тузилиш структурасини яратишни, глобал ва ривожланган ахборот технологиялардек кенг фойдаланишни талаб этмоқда. Замонавий универсал банк – бу барча эски бошқарув тизимидан воз кечишни, бунинг ҳисобига уларнинг ўрнини ҳар томонлама ривожланган, замонавий ахборот технологиялар билан таъминланган ва халқаро банк амалиёти билан бевосита боғланган тизим билан ўзгартиришни талаб этади.

Замонавий универсал банк фаолиятида секинлик, бюрократлик, самарасиз ишлаш, ўз ишини билмаслик, рискли ҳолатлардан чиқа олмаслик даромадсиз ва рақобатга бардош бера олмаслик ҳолатлари бўлмасликни талаб қилса, тезкорликни кучлт мутахассисларни, замонавий банк технологияларидан фойдаланишни, ҳамиша даромадга эришишни ва рақобатга бардошликни ўзида акс этишини талаб этади. Жаҳон амалиётида ривожланган мамлакатлардаги банкларнинг универсаллашуви кескин суръатлар билан ортиб бораётган бўлса, ривожланаётган мамлакатлардаги бу ҳолат босқичма-босқич амалга ошмоқда. Универсал банк фаолиятида, асосан қуйидаги йўналишларга эътиборини қаратади. Ахборотлар, риск, қимматли қоғозлар билан опреациялар ва капитални бошқариш. Бундан ташқари,

фаолиятнинг ривожланши янги банк операция турларининг кенгайишига олиб келади.

Универсал банк фаолияти ривожланишининг ҳозирги кундаги асосий омиллари сифатида қуйидаги кўрсаткичларни келтириб ўтиш мумкин:

- узоқ муддатли стратегиянинг ташкил этиш зарур;
- тажриба бошқарувнинг асоси бўлиши даркор;
- салмоқли капитал, юқори рейтинг ва яхши тажриба;
- ички бозорда юқори ўринни эгаллаш;
- ташқи фаолиятни кенгайтириш;
- мижозларнинг кенг базасига эришиш;
- банк хизмат турларининг хилма-хиллигига эришиш;
- кросс сотувчи ва кросс маркетинг фаолиятини ривожлантириш;
- молиявий хизмат кўрсатишнинг ҳаётий фазасини яратиш;
- келажакда мустақил банк фаолиятига эришиш учун юқори капиталга

интилиш лозим.

Узоқ муддатли стратегияни асосини ташкил этиш, жаҳон банк амалиётида рискларнинг тўғри тақсимланиши ва хизмат турларининг кўплиги миқдорнинг оладиган даромадларига сезиларли равишда таъсир қилмайди. Аммо бу ҳолат ҳамма жойда ҳам бир хил эмас, шунинг учун банклар узоқ муддатли стратегия усули орқали ўз мавқеини мустаҳкамлаб боради.

Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектларни кредит ресурслари билан таъминлаш ва тижорат банклари кредит амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тавсияларни берамиз:

1. Иқтисодиётнинг реал секторларини халқаро молия ташкилотлари кредит лениялари ҳисобидан кредитлаш амалиётини йўлга қўйиш
2. Инвесторлар маблағларини жамлаш ва улар манфаатини ҳимоя қилиш, қолаверса депозитларнинг “соатлик” фоизларини ҳисоблаш тизимини жорий қилган ҳолда уларнинг ишончини оқлаб кредит ресурсларини кўпайтириш керак.

3. Хўжалик юритувчи субъектлар узоқ муддатли кредитларни олишда таъминот масаласида муаммолари борлиги сабабли суғурта бозорини ривожлантириш.
4. Банкларда узоқ ва қисқа муддатли кредит нисбатини оптималлаштириш.
5. Банк фаолиятида доимий назоратни янада кўчайтириш, айниқса, кредит қайтарилиши бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни оғишмасдан амалга оширишни таъминлаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1995 йил 21 декабр.
3. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 25 апрел.
4. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2016 йил 26 апрел

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 апрелдаги ПФ-2564-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56 сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган ўзок муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2751-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прагнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306-сонли Низом, 2004 йил 30 январ.
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773-17-сон 2004 йил 13 август. 93
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834-сон йўриқнома 2008 йил 11 июль.
15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1648-сонли низом 2006 йил 27 декабр.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

16. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2016 йил 6 декабр
17. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак // Халқ сўзи, 2017 йил 15 январ.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 22.12.2017 йил. Манба: ЎЗА.
19. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.- 592 б.

IV. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарлари

20. Karimov I. A. Bank tizimi, pul muomalasi, kredit, investitsiya va moliyaviy barqarorlik to'g'risida. T., O'zbekiston. 2005. -526b.
21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: «Ўзбекистон», 2009 йил. 56 бет.
22. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015

V. Асосий адабиётлар

23. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш-Т.: Молия, 2002. -304 б.
24. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. -Т.: ТМИ, 2003.-305 б.
25. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2010. -224 б.
26. Балабанова И.Т. «Основы финансового менеджмента». Учебное пособие 3-е издание, доп. переработ. М.: Финансы и статистика, 2000
27. Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебник для вузов, -изд. 2-е перераб. и доп. -М.: Университетская книга; Логос, 2007. -368 с.
28. Банковское дело: Учебник, перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2008. - 768 с.
29. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: — учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, -М.: Высшее образование, 2009. -422 с.

30. Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учеб. пособие: -М.: Магистр, 2007. -350 с.
31. Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Тошкент: Молия. 2007. 275 бет.
32. Жарковская Е.П. Банковское дело.-4-е изд., испр. и доп. - М.: Омега-Л, 2005.-452 с.
33. Козлова Е.П., Фаланина Е.Н. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках. -М.: Финансы и статистика, 2000. -640 с.
34. Камышанов П.И., Камышанов А.П. Бухгалтерская финансовая отчётность: составление и анализ. - 5-е издание. - М.: Омега-Л, 2006. - 96 с.
35. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими -Т.: Ўзбекистон, 2001.-224 б.
36. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истикболлари, Тошкент:ТМИ. 2004, -348 б.
37. Наврузова К. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма.—Тошкент «Иктисод-молия», 2010. 188 б.
38. Омонов А., Т.Каралиев. «Банкларда бухгалтерия ҳисоби». Дарслик, Тошкент «Иктисод-молия» 2014 й
39. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра-М, 2004. - 472 с.
40. Смирнов А.В. Управление ресурсами и финансово-аналитическая работа в коммерческом банке. -М: БДЦ-пресс, 2002. -176 с.
41. Стародубцева. Е. Б. Банковские операции: Учебное пособие. - М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. - 128 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

42. Тижорат банклари молиявий ҳисоботлари. Банк ахборотномаси газетаси №18-19 (989-990) 2015 й., 30 апрел

VII. Интернет сайтлари.

- <http://www.lex.uz> — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
- <http://www.cbu.uz> — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти.

<http://www.agrobank.uz> – Акциядорлик тижорат банки “Агробанк” сайти

<http://www.uzreport.com> – Ўзбекистон бизнес янгиликлари

<http://www.finance.uz> – Молиявий-иқтисодий таҳлил портали.

<http://www.cbu.ru> – Россия Федерацияси Марказий банки сайти.

<http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

<http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти

<http://www.bankir.uz> – Банк ахборотлари портали